

АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИББИЕТ ИНСТИТУТИ.

КУЗ КАСАЛЛИКЛАР КАФЕДРАСИ

«Тасдиқлайман»

Куз касалликлар кафедраси

мудирлари проф. А.Ф. Икрамов

Протокол № _____ 2004 й.

«Тасдиқлайман»

ММХ нинг жаррохлик

булими раиси Проф. Ф.Н. Нишанов

Протокол № _____ 2004 й.

Даволаш факультети 6-7 курс талабалари учун куз касалликлар фани
буйича

АМАЛИЙ МАШГУЛОТЛАР УЧУН МЕТОДИК КУЛЛАНМА

Мавзу:

**КВП ВА ШВП ШАРОИТИДА КУРУВ АЪЗОСИНИ
ТЕКШИРИШ УСУЛИ**

АНДИЖОН

КУРС КИСМИ: Куз касалликлари

КУРС БУЛИМИИ: Курув органи вазифалари

МАШГУЛОТ МАВЗУСИ: КВП ва ШВП шароитида курув
аъзосини текшириш усули

I. МАВЗУНИ АСОСЛАШ

КВП , ШВП шароитида куриш аъзоларини амалда текшириш усуллари стационар шароитида текширишда текширишдан бир канча фарк килади. Аввало бемор офтальмолог кабулига кириб келишидан, унинг кузи хасталиги хақидаги шикоятларини эшитиш, касаллик тарихи (anamnesis morbi), хаёт тарихини (anamnesis vitae), ва умумий организми ҳолатини аниклаш, кузларини караб текшириб, дастлабки диагноз қуйиш ва зарур дори-дармонларини буюришгача бўлган даврда қулланилган усуллардир. Буларга шифокорнинг куздан кечириши, енидан нур тушириб караш, шох парда сезувчанлигини текшириш , визометрия, биомикроскопия, куз ичига нур юбориб караш, куз ичи босимини улчаш ва зарур бўлса рефрактометрия ва офтальмоскопиядан фойдаланиш усуллари қиради.

Диагноз қуйиш учун ва агар куздаги патология жуда огир ва муррақаб бўлса яна қушимча текшириш, клиник диагноз қуйиш учун стационарга юборилади. Стационарда рангли периметрия, офтальмохромоскопия, гопиоскопия, циклоскопия, тонография, эхобиометрия,экзофтальмометрия, диафаноскопия, офтальмодинамометрия, ангиографиялар қулланилиб, булар асбоб - ускуналар ердамида бажарилади, Бемор кузини бевосита текшириши одатда коронги онада, лампа ва асбоб-ускуналар ердамида маълум тартиб билан бажарилади.

II. МАКСАД

КВП, ШВП шароитида беморларни куриш аъзосини текшириш усуллари мукамал билиш, яъни физиологик ҳолатини аниқлашда қолаверса патологик ҳолатга утгандаги узгаришлар билан солиштиришда, ташхис қилишда қаноатланишдан сунг қозониладиган узгаришларни анализ қилишда ердан беради.

III. ТАЛАБА АМАЛДА БАЖАРИШИ ҚЕРАК

1. КВП, ШВП шароитида қовқлар, қоз олмасини олдинги қисмларни текшириш.
2. Енидан еруглиқ тушириб қуриш.
3. Утувчи нур ердамида қуриш.
4. Биомикроскоп ердамида қуриш.
5. Тугри ва тесқари офталмоскопларни ишлатиш ва улар ердамида қуриш.
6. Қуриш уткирлигини текшириш.
7. Қуриш уткирлигини қузойнақ ердамида қоррекция қилиш.
8. Снеллен фолмуласини тахлил қилиш.
9. Рябқин жадвали ердамида текшириш.
10. Қуриш майдонини аниқлаш.

IV. ТАРБИЯ МАКСАДИ

Марқазий қуриш, периферик қуриш, ранг қуриш, қоронгуликка мослашиш, бинокуляр қуришларни тушунтириш, ва асосий текшириш усуллари урганиш. Юқорида тақидлаб утилган қурув органи вазифаларини аниқлашда болаларга ҳос бўлган томонларини тушунтириш.

V. МАШГУЛОТ МАВЗУСИНИ ИНТЕГРАТИВ АЛОКАСИ

Манбалари	Дарс мавзуси	Чиқиш
Талабалар ушбу машгулотда олинган назарий ва амалий билимларини амалда дастлабки диагноз буйича ишлата билишлари керак	КВП, ШВП шароитида курув аъзосини текшириш усуллари.	Офтальмология Умумий амалиёт шифокори Магистр

VI. АМАЛИЙ МАШГУЛОТ УТИШ РЕЖАСИ ВА УНИНГ ТАРКИБИЙ КИСМИ

№	Машгулот давралари	Вакт	Утиш жойи	Укув куроллари
1	Ташкилий тадбирлар	5 мин	Укув хона	Жадвал Плакатлар Слайдлар
2.	Талабалар билимини текшириш Курув анализатори вазифаларини урганиш	25 мин	Укув хона	Жадвал Плакатлар Слайдлар
3.	Курув анализатори текшириш усулларини урганиш	30 мин	Укув хона	Жадвал Плакатлар Слайдлар
4.	Талабаларни Амалий ишларни бажариш (ассистент курсатиб бергандан сунг ёки унинг назоратида)	35 мин	Беморларни текшириш хонаси	Рот аппарати Сивцев жадвали Лампа Офтальмоскоп Скиаскопик линейка
5	Талабаларни мустакил			

6	ишларини текшириш, маълумотларни таҳлил қилиш. Амалий куникмаларни қайтириш	45 мин	Беморларни текшириш хонаси Укув хона	Коррекция учун кузойнаклар туплами, Маклаков тонометрии, биомикроскоп, периметр, гониоскоп
	Узлаштириш якуний назорати, вазиятли масалаларни ечиш ва баҳолаш	45 мин	Укув хона	

VII. МУСТАКИЛ ТАЙЁРГАРЛИК УЧУН САВОЛЛАР

1. КВП, ШВП шароитида қуриш уткирлигини аниқлаш учун жадваллар ва уларнинг моҳияти?
2. Снеллен формуласи анализ қилиш?
3. Рабкин жадвалини куллашни тушинтириш?
4. Периметр нима , нима учун ва қандай кулланилади?
5. Офталмоскоп ёрдамида куз олмасини қайси қисмлари қурилмайди?
6. Биомикроскоп нима?
7. Ёш йулларини утказувчанлигини текшириш қандай амалга оширилади?
8. Буёклаб қуриш усули нима?
9. Бинокуляр қуришни аниқлаш?
10. Коронгуликка мослаштиришни текшириш?

VIII.ДАСТЛАБКИ НАЗОРАТ

курув анализаторига тегишли булган билимларини назорат килиш, физиология ва гистология, анатомиядан билимларини текшириш.

IX.ДОИМИЙ НАЗОРАТ

Мустакил тайёргарлик саволлари асосида олиб борилади

X.ВАЗИЯТЛИ МАСАЛАЛАР

- 1.Богбон дарахт шохларини кесаётганда кузига бир нарса кирганлигини сезган. Хозирги вақтда кузида куриш пастлигига , ёшланиш борлигига шикоят килиб келган.Текшириш тактикангиз ?
2. Бемор икала кузини узоқдан паст куришидан шикоят килиб келди. Кандай текшириш усулларини куллайсиз?
3. Бемор шомдан кейин куриши пасайишига шикоят килиб келган. Кандай текшириш усулларини куллайсиз?
4. Бемор чап кузидан доим ёш окиб туришига , йирингли ажралма борлигига шикоят килади. Кандай текшириш усулларини куллайсиз?
5. Бемор кузида катик огрик, ёшланиш, куриши пасайганлигига шикоят килиб келди.Кандай текшириш усулларини куллайсиз?
6. Боллар окулистига 4ёшли болани ота-онаси билан келди. Ота-онаси болада гилайлик борлигига шикоят килишади. Текшириш тактикангиз?
- 7.45 ёшли бемор якиндан куриши пастлигига шикоят килади. Кандай текшириш усулини куллайсиз?
8. Бемор тугридан куриши сакланиб,атрофни куриши пасайганлигига шикоят килиб келган. Кандай текшириш усулларини куллайсиз?

XI. ТЕСТ НАЗОРАТИ САВОЛЛАРИ

1. Коронгуликка мослашишида куз олмасини кайси кисми узгаради?

- А) гавхар, шишиасимон тана, корачик;
- Б) корачик (корангуликда кенгаяди, ёругда тораяди);
- В) тур парда сарик дог сохаси

2. Марказий ва периферик куриш тур пардани кайси кисмларида амалга оширилади?

- А) марказий куриш сарик дог сохасидаги колбачкалар , периферик куриш тур пардаси перифериясида жойлашган таёкчалар ёрдамида амалга оширилади;
- Б) курув нерви диски ёрдамида;
- В) шох парда, гавхар, шишасимон тана ёрдамида амалга оширилади

3. Ёндан ёритиш усули билан курув органини кайси кисмларини куриш мумкин?

- А) ковоклар, киприклар, шилик кават, шох парда, олди камера, рангдор парда, корачик, гавхар олди капсуласи;
- Б) шох парда, гавхар, шишиасимон тана;
- В) тур парда, кон томирли кават, гавхар

4. Офталмоскопия нима?

- А) куз оламсини олдинги кисмларини куриш;
- Б) куз олмасини нур синдиручи кисмларини ва тур пардани офталмоскоп ёрдамида куриш;

5. Утувчи ёруглик ёрдамида курилади.

- А) Куз гавхари, шишасимон тана.
- Б) Тур парда, шишасимон тана
- В) Корачик, рангдор парда

6. Тескари ёки тугри офталмоскопия ёрдамида курилади.

- А) Шох парда, гавхар, шишасимон тана

Б) Куз туби: КНД рангли, чегаралари, экскавация, кон томирлар холати, колебри, туб парда, сарик дог.

В) Ковоклар, киприклар, шиллик парада холати

7. Периметри билан нимани аникланади?

А) Куриш майдонини.

Б) Марказий куриш

В) Ранг ажратиш

8. Маклаков танометри билан нимани аникланади?

А) Олди камера бурчагини куриш

Б) Куз ичи босимини аникланади.

В) Куриш майдонини аниклаш

9. Биомикроскоп ёрдамида куриш мумкин.

А) Куз олмасининг олдинг кисмларини.

Б) Куз олмасининг оптик кисмларини

В) Куз олмаси барча кисмларини куриш мумкин.

ХII. ЖАВОБЛАР.

1. А 2. А 3. А 4. Б 5. А 6. Б 7. А 8. Б 9. Б

ХIII. АМАЛИЙ КУНИКМАЛАР РУЙХАТИ

1. КВП, ШВП шароитида ковокларни кайириб куриш.

2. Куз еш канали копчасини утказувчанлигини текшириш, куз еш безини куриш.

3. Кузни куриш учун болани фиксациялаш усули.

4. Еруглик нури утказиш йули билан текшириш усули.

5. Ен томондан еруглик тушириш билан текшириш усули.

7. Оддий усулда шох парда сезувчанлигини ва бутунлигини аниклаш.

8. Куриш уткирлигини аниклаш.
9. Курув майдонони аниклаш (периметрия, кампиметрия).
10. Конъюнктивадан суртма олиш.
11. Ковокни ва ег безларини йуллариини массаж килиш.
12. Оддий усулда бинокуляр куришни аниклаш.
13. Конъюнктива копчасига малхам куйиш ва томчилаш.
14. Монокуляр ва бинокуляр асептик боглам куйиш.
15. Конъюнктивадан суртма олиш.
16. Ковокни ва ег безларини йуллариини массаж килиш.

XIV. МУСТАКИЛ ИШГА АЖРАТИЛГАН ВАКТ.

1. Поликлиника шароитида бармоқлар еки ковок кутаргич ердамида ковокларни куриш. Куз еш канали копчасини утказувчанлигини текшириш, куз еш безини куриш. - 45 мин
2. Куриш уткирлигини аниклаш. Курув майдонони аниклаш (периметрия, кампиметрия). Ен томондан еруглик тушириш билан текшириш усули. Еруглик нури утказиш йули билан текшириш усули. - 40 мин
3. Беморларни курация килиш - 40 мин.

XV. МАШГУЛОТГА КЕРАКЛИ НАРСАЛАР.

Мавзуга ойд слайдлар, жадваллар, расмлар, муляжлар ва беморларни текшириш учун керакли асбоб- ускуналар: Рот аппарати, Сивцев жадвали, Рабкин жадвали, кузойнак шишалари туплами, офтальмоскоп (тескари ва тугри), скиаскопик линейкалар, периметр, биомикроскоп, Маклаков тонометрии, эластотонометр, гониоскоп ва бошкалар.